

ФАРЗАНДСИЗЛИК ТУШУНЧАСИ, УНИНГ САБАЛЛАРИ ВА ОҚИБАТЛАРИ

И.Р. Азларова
ЎзМУ ўқитувчиси

Аннотация: Ушбу мақолада фарзандсизлик феномени, унинг тушунчаси ва келиб чиқиши сабаблари, бугунги кундаги муаммолари, ихтиёвий ва ихтиёрий бўлмаган фарзандсизлик муаммолари ёритиб берилган.

Калит сўзлар: Фарзандсизлик, аёллар, чилдфре, фарзандсизликнинг сабаблари, бепушитлик, ихтиёрий фарзандсизлик, ихтиёрий бўлмаган фарзандсизлик, абстиненсия, комбинатсия, фарзанд асраб олии.

Фарзандсизлик феномени 1970-йиллардан бошлаб кенг тарқалди. Ўшандан бери тадқиқот усулларини ишлаб чиқиши, аҳолини рўйхатга олишни такомиллаштириш, сўровномалар ушбу муаммони ўрганишда катта рол ўйнади ва ихтисослашган компьютер дастурлари пайдо бўлиши билан ҳар томонлама статистик таҳлил ва моделлаштириш имкониятлари ошди.

Фарзандсизлик ўз-ўзидан янги ҳодиса эмас. XX асрнинг дастлабки ўн йилларида фарзандсиз одамларнинг кўпайиши ўта қашшоқлик ва кам овқатланиш урушлар ва миграция натижасида кам турмуш даражаси билан изоҳланади. П.Крегернинг сўзларига кўра, фарзандсизлик Шимолий ва Ғарбий Европада, шунингдек АҚШ ва Австралияда узоқ тарихга эга. У ушбу ҳодисани иқтисодий инқизорлар таъсирида никоҳни кечиктиришнинг кенг тарқалиши билан боғлади.^[1] Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, нисбатан фаровонлиқда яшайдиган соғлом, жинсий фаол аёллар орасида замонавий фарзандсизлик янги ҳодиса.^[2]

Диёримизда оила маънавияти ва маданияти асрлар давомида ўзига хос тарзда шаклланган.^[3] Фарзанд ота-онанинг эзгу орзуси, қувончи, баҳти.^[4] Аммо маълум бир сабабларга кўра айrim инсонлар фарзандли бўлиш баҳтидан мосуво. Бугунги кунда тиббиёт ҳодимлари аввал фарзанд кўрган лекин қайта фарзанд кўришни истаётган оналар ўртасида ҳам ҳомиладор бўлиш ҳолатлари қийинлашиб бораётганлигини айтмоқдалар. Бунинг натижасида эса фарзандсизлик ҳолатининг ортиб бориши оиласарда ажримлар сониниг бир қанча ошишига сабаб бўлмокда деб айта оламиз. Хориж тажрибасини кўрадиган бўлсак уларда ихтиёрий (чилдфре) фарзандсизлик кенг тарқалганлигини кўришимиз мумкин. Бизда эса аксинча ҳолат. Бироқ бозор иқтисодиётiga ўтиш шароитида Ўзбекистонда ҳам фарзанд кўриш даражаси пасайиши мумкин.

Фарзандсизлик ҳозирда кўпчиликни қийнаётган «оғритмас дард» ҳисобланади. Тиббий жиҳатдан олиб қарайдиган бўлсак, фарзанд кўрмасликнинг кўпгина ҳолатлари учрайди. Буларга кўпгина касалликлар, аъзолардаги камчиликлар ва ҳоказо тиббий асоратлар сабаб бўлиши мумкин. Булардан ташқари фарзандсизликнинг оддийгина

ижтимоий тиббий ҳолатлари ҳам борки, булар таъсирида соғ инсонни ҳам турли «халқ ташхислари» орқали касалга ёки «фарзандсиз» деган номга мушарраф қилиб қўйиш мумкин.

Ва яна шуни таъкидлашни истардимки, фаровонликнинг паст даражаси фарзанд кўришни рад этиш учун асосли сабабдир, чунки бу боланинг дастлабки моддий шароитларини таъминлаш учун ота-оналарнинг жавобгарлигини англатади. Эркаклар ҳам, аёллар ҳам, яхши фарзандларни тарбиялашда кучли оиланинг қадр-қимматини англаш билан бирга, аввалвмбор моддий фаровонликка эришишга қаратилган.[5]

Биринчи сабаб, айрим ёш келин-куёвлардаги олти ойгача муддатда фарзанд бўлавермаслигини физиологик ҳолат яъни меёр дея қабул этишмайди. Чунки, бунда организмдаги айрим «элементлар» ўзаро бир бирига мослашиб олгунича вақт керак бўлади. Лекин, ёшлар буни тушунмаслиги туфайли муносабатларни чигаллаштиради.

Иккинчи сабаб, фарзанд бўлишини ўта интиқ қутиш, бу борада келинларга қилинадиган тазийклар (айниқса, қайноналар томонидан) ҳам ўз салбий таъсирини кўрсатмай қолмайди.

Учинчи сабаб, ёш келин-куёвлар орасида «жинсий муносабат нечоғли қўп бўлса, шунча тез фарзандли бўлиш мумкин» деган нотўғри тушунча мавжудлиги.

Асосий ижтимоий сабаб, ҳозирги кунимиз кўпчиликда саёҳатлар билан ўтмоқда, бирор ишлашга, бирор дам олишга, кимдир ўқишига ва шунга ўхшаш «гўшангадан узоқ ҳолатлар». Бундай ҳолатдаги ёшлар ўз жуфти билан ҳафтада, ойда айримлари йилда бир марта учрашишади. Учрашув кечалари эса, доим аёлнинг тухум хужайраси йетилиш вақтига яъни овуляция даврига тўғри келавермайди. Табий ҳолки, фарзандни кейинги сафар келганда кўриш кечикиб бораверади.

Аслини оладиган бўлсак, ҳар бир оиланинг ижтимоий фикрлашига қараб, бу сабаблар ҳам ўзгариб боради. Биз мисол қилган сабаблар умуман олганда, бизнинг жамиятда кузатилиб турган оддий ҳолатлардир.[6] Эҳтимол бундай ҳолатлар камайса ажралишлар ва фарзандсизлик ҳолатлари камайган бўлармиди.

Бундан ташқари шуни айтиб ўтишим керакки оила аъзолари масалан қайнонаси, турмуш ўртоғи ва ёки атрофидаги қўни-қўшнилар томонидан фарзандсизлиги борасида айтилаётган ҳар қандай гаплар унга нисбатан кўрсатилаётган зўравонликни намоён қиласди.

Бугунги кунда бизнинг жамиятда мажбурий фарзандсизлик улуши кўп бўлса бошқа жаҳондаги ривожланган давлатларда еса ихтиёрий фарзандсизлик даражаси юқори ҳисобланади. Ҳар бир инсоннинг ўз танлов еркинлиги бор екан улар ўзларига мос ва баҳтлироқ хис қиласиган танловни қабул қиласидилар.

Фарзандсизлик – бу фарзандлари бўлмаган шахс ёки эр-хотиннинг ҳолати.[7]

Фарзандсизлик – инсонга боғлиқ бўлмаган ҳолатлар ва онгли танлашнинг натижаси ҳам бўлиши мумкин ва шунинг учун ҳам уни "чайлдфри" (ихтиёрий равища фарзандсизлик) ҳолатидан ажратиш керак. Чунки улар бир-биридан кескин фарқ қиласди.

Фарзандсизликнинг сабаблари жуда ҳам кўп, масалан мажбурий, фақат ўзи учун яшаш истаги, мартаба ва ўзини ўзи англаш, пул билан боғлиқ муаммолар, туғруқдан кейинги аҳволдан қўрқиш ва ҳоказолар.[8]

Бепуштлик бу вояга етган шахсларнинг фарзанд кўра олмаслик ҳолати. Турли сақланиш воситаларидан фойдаланмай туриб фарзанд кўрмаслик "бепуштлик" ҳисобланади. Бу ҳолат еркакларда ҳам, аёлларда ҳам учрайди.

Бепуштлик дунё бўйлаб миллионлаб репродуктив ёшдаги одамларга таъсир қиласди ва уларнинг оилалари ва жамоаларига таъсир қиласди. Ҳисоб-китобларга кўра, бепуштлик дунё бўйлаб 48 миллион жуфтлик ва 186 миллион одамга таъсир қиласди. Бепуштлик бирламчи ёки иккиламчи бўлиши мумкин. Бирламчи бепуштлик, агар аёл ҳеч қачон ҳомиладор бўлмаган бўлса, иккиламчи бепуштлик, агар аёл камида битта ҳомиладорлик бўлса, аниқланади.

Бепуштлик ёрдами бепуштликнинг олдини олиш, диагностика ва даволашни ўз ичига олади. Ушбу хизматлардан адолатли ва тенг ҳуқуқли фойдаланиш аксарият мамлакатларда, айниқса, кам ва ўрта даромадли мамлакатларда муаммо бўлиб қолмоқда. Туғилиш хизматлари камдан-кам ҳолларда соғлиқни сақлашнинг универсал қамрови тўпламида муносиб ўрин эгаллайди.[9]

Фарзандсизлик сабаблари орасида:

Ихтиёрий:

- Теселибат яъни абстиненсия (лотин тилидан – сақланиш) оилавий ҳаётда жинсий ҳаётдан воз кечиши

- Шахсий танлов, яъни жисмоний, ақлий ва молиявий қобилиятига эга бўла туриб уларга эга бўлмаслик қарори.

Ихтиёрий бўлмаган

- бепуштлик, яъни эр-хотиннинг фарзанд кўриш имкони йўқлиги.

- Гинекологик муаммолар, шу жумладан олдинги ҳомиладорлик туфайли келиб чиққан жисмоний шикастланишлар.

- Болаларни тарбиялашга имкон бермайдиган ақлий саломатлик билан боғлиқ муаммолар, шу жумладан когнитив бузилиш (ижро функцияси бузилган) ва руҳий тушкунлик ҳолатларида.

- Атроф-муҳит ва ижтимоий муҳит билан боғлиқ амалий қийинчиликлар:

Ижтимоий, маданий ёки ҳуқуқий нормаларнинг таъсири:

- комбинатсия

- қарама-қарши жинс вакили ёки шерикнинг йўқлиги

- фарзанд асраб олишдаги ижтимоий ёки ҳуқуқий тўсиқлар, масалан, ёлғиз шахслар ва бир жинсдаги жуфтликлар томонидан асраб олишдаги тақиқлар.

Юқорида чайлдфри сўзини кўп бор қўлладик, бироқ у ўзи қандай маънони билдиради деган саволга қуидагича изоҳ беришимиз мумкин. Чайлдфри (англ. чилдфре – фарзанддан озодлик, яъни ихтиёрий фарзандсизлик) субмаданият ва мағкура, онгли равишда фарзанд кўрмаслик истагини характерлайди.[10]

Фақатгина туғма ёки касалліклар натижасыда орттирилган бепуштлик ихтиёрий фарзандсизлик бўла олмайди, балки бунда инсон онгли равища ўзи ҳоҳлаб стерилизация (стерелизация ёки дефертанизация – бу кўпайиш қобилиятини йўқотиш жараёни) қилишга бориши мумкин; бошқа томондан ўзининг ёки асраб олган фарзандлари бўлиши мумкин. Бу расмий термин фарзандлар бўлишига қарши чиқсада, лекин бу нарса баъзи одамларга ўзини чайлдфре деб аташига қаршилик қилмайди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Kreager P. Where are the children? // P. Kreager & E. Schröder-Butterfill (Eds.), Ageing without children: European and Asian perspectives. Oxford, UK, and New York: Berghahn Books, 2004 – pp 38.
2. Фахрисламова Р.Т. Основные теоретические подходы к объяснению феномена бездетности // Мониторинг общественного мнения: экономические и социальные перемены. 2015. № 3. С. 67
3. Ҳақназаров А. Ота-онанинг асосий вазифаси. 05.06.2016//Ўзбекистон мусулмонлари идораси расмий веб портали.
4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги “Соғлом она – соғлом бола” ўқув қўлланма. 2009 й.
5. Харчев А.Г., Мацковский М.С. Современная семья и ее проблемы. – Москва, 1993 [2, с.175].
6. <https://avitsenna.uz/farzandsizlik-ogritmas-dard/#gsc.tab=0>
7. Большой толковый словарь русского языка. - 1-е изд-е: СПб.: Норинт С. А. Кузнецов. 1998
8. Соболевская О.В. Добровольно невоспроизводимые. Какими бывают чайлдфри и как общество поддерживает эту тенденцию, 2020 г.
9. Всемирная организация здравоохранения: Бесплодия
<https://www.who.int/ru>
10. Бичарова М.М., Морозова О.В. Идеология чайлдфри и её влияние на современную систему семейных ценностей/ Глобальный научный потенциал, 2016. С. 7-10.